



«Тасдиқлайман»

«Ўздонмахсулот» АК

Бошқарув раиси ўринбосари

Э. Алимов

2018 йил

## Ахборот технологиялари бошқармасининг НИЗОМИ

### I. Умумий қондалар

1. Ахборот технологиялари бошқармаси (кейинги ўринларда “Бошқарма” деб юритилади) “Ўздонмахсулот” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда “Компания” деб юритилади) марказий аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг қарорларига ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Компания томонидан ишлаб чиқилган норматив-ҳужжатларга ва ушбу Низомга амал қилади.

3. Бошқарма ўз фаолиятини компаниянинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари ҳамда республиканинг бошқа вазирликлари ва идоралари тегишли хизматлари билан ўзаро яқин ҳамкорликда амалга оширади.

### II. Бошқарманинг вазифалари ва функциялари

4. Қуйидагилар Бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:  
ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш, ахборотни ҳимоя қилиш ва ундан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда замонавий ахборот технологияларини жорий этиш бўйича дастурларни киритиш ва амалга ошириш;

ахборот ресурслари, ахборот тизимлари ва тармоқлари, дастурий маҳсулотлар ва хизматлар, уларни таъминлаш ва ҳимоя қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган умумий қабул қилинган халқаро нормалар ва стандартларга мувофиқ ахборот технологиялари соҳасида қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий база асосида такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ахборот технологиялари соҳасини ривожланиши ва самарали ишлаши устидан, компания иктисодиёти тармоқлари ва соҳаларини ахборотлаштириш даражасини баҳолаш мезонларини жорий этиш механизмлари орқали компания бошқаруви ва назоратини ахборот технологиялари соҳасида амалга ошириш;

компания тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизациялаш, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларидан кенг фойдалана олишни таъминлаш;

компания бошқаруви ва тармоқларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва фойдаланишни комплекс, тизимли таҳлил қилиш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

компания ахборот ресурслари ва маълумотлар базаларини шакллантириш, сақлаш ва фойдаланишнинг ягона тизимини яратиш, маълумотларни узатиш ва алмашиш идоралараро тармоқларининг интеграциялашган тизимларини яратиш ва бошқариш, электрон ҳужжат айланиши тизимини яратиш ҳисобига «электрон ҳукумат» платформасида ахборот муҳитини янада ривожлантиришни таъминлаш, давлат ахборот ресурсларини интеграциялаш, компаниянинг ягона корпоратив тармоқларини шакллантириш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига интерактив давлат хизматлари кўрсатишнинг электрон шаклларини жорий этиш;

инвестиция сиёсатини шакллантиришда иштирок этиш, алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасига инвестициялар жалб этишга, шунингдек ахборот технологияларини, шу жумладан давлат буюртмаси доирасида ривожлантириш ва қўллаш билан боғлиқ инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича таклифлар киритиш;

Интернет тармоғи миллий сегментида компания веб-ресурслари, шу жумладан соҳа ходимлари эҳтиёжларини кондириш учун тармоқ ресурсларини яратиш;

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборот тизимлари ва ресурсларини ҳимояқилишнинг замонавий технологияларини жорий этишни янада ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида, шу жумладан дастурий маҳсулотларни жорий этиш, маълумотларнинг ахборот базалари,

ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрларни малакасини оширишнинг самарали тизимини ташкил қилиш;

компанияда электрон рақамли имзодан фойдаланиш, оммавий ахборот воситаларида маълумотлар тарқатишни тартибга солиш ва бошқариш.

идора раҳбарияти томонидан белгиланадиган ахборот сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда қатнашиш;

идора фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг миллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинишини таъминлаш;

миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида идора фаолиятининг долзарб жиҳатларини, тегишли соҳадаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш масалаларини ёритиш;

интернет тармоғида идора веб-ресурсларини ташкил этиш, уларнинг самарали фаолиятини таъминлаш;

идорага нисбатан ижтимоий фикрнинг аҳволини ҳамда маҳаллий, республика ва хорижий оммавий ахборот воситалари муносабатини таҳлил қилиш ва улар тўғрисида идора раҳбариятини хабардор қилиш.

5. Бошқарма ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

ахбороттехнологиялари соҳасида стратегик устувор вазифаларни шакллантиради ва амалга оширади;

ахборот технологиялари соҳасида фаолият масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

компанияда фойдаланиладиган ахборот тизимлари интеграциясини таъминлаш мақсадида миллий ахборот тизимларидан фойдаланишни шакллантириш бўйича ягона техник сиёсатни белгилайди ва амалга оширади;

компанияда ахборот айирбошланишнинг электрон шаклларига ўтиш бўйича дастурлар амалга оширилишини мувофиқлаштиради;

компанияда ахборот ресурсларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича қулай шарт-шароитларни шакллантириш йўли билан компанияни ривожлантиришнинг устувор вазифаларини белгилайди;

компания томонидан тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига интерактив давлат хизматларини жорий этиш бўйича ягона технологик ечим амалга оширилишини техник жиҳатдан қўллаб-қувватлашни ташкил этади;

компаниянинг идоралараро ўзаро ҳамкорлиги доирасида ахборот тизимларини жорий этишни ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

компанияда электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланишни амалга оширади;

Компанияда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини истиқболли ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан

келишилган ҳолда ишлаб чиқади ҳамда тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига давлат интерактив хизматлари кўрсатишни кенгайтиради, Компанияда ахборот тизимлари ва ресурсларини жорий этиш бўйича босқичма-босқичли дастурларни киритади ва ижросини таъминлайди;

компанияда ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси бўйича умумий техник регламентлар ва йўриқномалар ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун белгиланган тартибда тақдим этади;

конун ҳужжатларига мувофиқ ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида бошқарувнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда киритади;

тегишли бошқармалар билан биргаликда компанияда жорий этилган дастурий маҳсулотларни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади;

дастурий маҳсулотларни киритишни ташкил этади ва уларни компания бошқарув жараёнларида фойдаланиш учун жорий этади;

ахборот тизимларини яратишга, ахборот ресурсларини шакллантиришга, ахборот технологиялари соҳасида хизматларни кенгайтиришга кўмаклашади;

ҳар чоракда ўз фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотларни электрон шаклда, белгиланган муддатларда NIS.UZ идоралараро автоматлаштирилган ахборот тизимига киритиб боради;

Компания расмий веб-сайтида ва Ўзбекистон Республикаси очик маълумотлар порталида очик маълумотлар тўпламларини жойлаштиради ва белгиланган муддатларда янгилаб боради;

компания ахборот маконида руҳсатсиз фойдаланишга уринишлар ва компьютер вируси ҳужумлари тўғрисида ўз вақтида хабар қилиш ва ҳаракат қилишнинг усул ҳамда воситаларидан фойдаланиб, Интернет тармоғининг миллий сегментида жойлашган компания веб-ресурсларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш механизмини амалга оширади;

ахборот технологиялари соҳасини ривожлантиришга боғлиқ инвестицияларни, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича ўтказиладиган тендерлар, танловлар ва савдолар уюштиришда ва уларни ўтказишда иштирок этади;

ахборот технологиялари соҳасида, биринчи навбатда, дастурий воситалар, ахборот маълумотлар базалари, миллий ахборот ресурслари, контентлар, барча даражалардаги компания ахборот-коммуникация тармоқларини шакллантириш йўналишида замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда кадрларни малакасини ошириш тизимини ташкил этади.

Хизмат олдида турган вазифаларни самарали ҳал этиш учун зарур бўлган ахборотларни идоранинг бошқа бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорликда тўплаш ва ишлаш;

оммавий ахборот воситалари учун хабарларни (пресс-релизлар, бюллетенлар, обзорлар ва шу кабиларни) тайёрлаш ва тарқатиш;

идора фаолиятига доир масалалар бўйича босма материалларни тайёрлаш ҳамда миллий ва хорижий нашрларда эълон қилиш, теле ва радиоэшиттиришларни ташкил этиш, тегишли соҳадаги давлат сиёсатини амалга ошириш;

идора раҳбарияти ва ходимларининг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан матбуот конференциялари, брифинглари, мусохабалари ва бошқа учрашувларини ташкил этиш;

идора фаолиятига доир масалалар бўйича ижтимоий фикрни ҳамда миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари позициясини ўрганишга доир таҳлилий ишларни амалга ошириш. Идора раҳбариятига ахборот бериш учун эълон қилинган долзарб материаллар шарҳларини тайёрлаш;

оммавий ахборот воситалари билан ахборот-маълумотнома ишларини амалга ошириш учун идора фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича таҳлилий, статистик ва бошқа материалларнинг тизимлаштирилган маълумотлар банкни ташкил этиш;

идора фаолиятини энг тўлиқ ва холисона ёритиш мақсадида миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ҳамда журналистлар билан ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш;

интернет тармоғида идоранинг веб-сайтини ташкил этиш ва уни замонавий даражада сақлаш.

6. Бошқарма ўз фаолиятини компания ижро аппаратининг таркибий бўлинмалари, тизим корхоналари, ваколоти доирасида бошқа бошқарув органлари ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

### **III. Бошқарманинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

7. Бошқарма ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Бошқарманинг вазифалари ва функцияларини бажариш учун зарур бўлган ахборотларни идоранинг бошқа бўлинмаларидан, идорага қаршли ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраб олиш;

компаниянинг йиғилишларида, мажлисларида ва бошқа тадбирларида катнашиш;

қўйилган вазифаларни бажариш учун компания раҳбари билан келишган ҳолда компаниянинг бошқа бўлинмалари ходимларини, шунингдек

бошқа ташкилотларнинг мутахассислари ва экспертларини жалб этиш, шу жумладан контракт асосида жалб этиш;

бошқа идораларнинг ахборот технологиялари хизматлари билан белгиланган тартибда ўзаро ҳамкорлик қилиш;

рахбариятнинг топшириғига кўра давлат органларида, республика ва халқаро аҳамиятга эга бўлган тадбирларда Бошқарма ваколатига тааллуқли масалалар бўйича компания номидан вакиллик қилиш;

идоранинг ахборот технологиялари сиёсатини такомиллаштиришга доир таклифларни, Бошқарма фаолияти масалалари бўйича норматив ҳужжатлар лойиҳаларини рахбариятнинг кўриб чиқиши учун киритиш.

#### 8. Бошқарма:

ўзига юкланган вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун;

компания ва таркибдаги корхоналарда ахборот-технологияларининг хавфсизлиги ва электрон ҳужжат алмашиш тизимлари узлуксиз ишлаши ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг электрон шаклдаги мурожаатларини белгиланган тартибда қабул қилиш ва кўриб чиқиш учун жавоб беради.

### IV. Бошқарма фаолиятини ташкил этиш

9. Бошқарма ходимлари сони у амалга оширадиган вазифаларнинг мураккаблиги ва ҳажмига кўра компания раҳбари томонидан, ходимларнинг тасдиқланган умумий сони доирасида белгиланади.

10. Бошқарма фаолияти компания раҳбари томонидан тасдиқланадиган ишлар режаси асосида ташкил этилади.

11. Бошқармани компания бошқарув раиси томонидан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган раҳбар бошқаради. Бошқармадаги Ахборот хизмати раҳбари айти бир вақтда компаниянинг матбуот котиби ҳисобланади.

Бошқарма бошлиғи:

Бошқарма фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда Бошқармага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Бошқарма фаолиятини ташкил этади, режалаштиради ва назорат қилади, компаниянинг бошқа бўлинмалари шу жумладан, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади;

Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан юклатилган лойиҳаларни белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминлайди ва улар бўйича Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маълумот киритиб боради;

Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича белгиланган лойиҳаларни мониторингини олиб бориш учун Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан жорий этилган идоралараро тизимларга белгиланган тартибда маълумот киритиб борилишини таъминлайди;

Бошқармада кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишни таъминлайди, ходимлар ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Бошқарма ходимларининг малакасини ва касб бўйича савиясини ошириш учун шарт-шароитлар яратади.

12. Бошқарма ходимлари белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

13. Бошқарма раҳбари бевосита, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш учун масъул бўлган Компания раиси ўринбосарига бўйсунди.

14. Бошқарма бошлиғи вақтинча бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Ахборот хизмати раҳбари ёки етакчи мутахассис бажаради.

15. Бошқарманинг ахборот хизмати раҳбари ва етакчи мутахассис ўз фаолиятини белгиланган тартибда тасдиқланадиган функционал вазифалар тақсимланишига мувофиқ амалга оширадilar.

16. Бошқарма тасарруфидаги Ахборот хизмати ўз фаолиятини ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш учун масъул бўлган ходимлардан мустақил тарзда алоҳида белгиланган ходимлар ҳисобига амалга оширади.

17. Бошқарма фаолиятининг ахборот, ҳуқуқий, моддий-техник ва транспорт таъминоти, шунингдек унинг ходимларига ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш компаниянинг таркибий бўлинмалари учун белгиланган тартибда амалга оширилади.